

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат



Мамлакатимиз мусиқаси ривожига улкан ҳисса қўшаётган Ўзбекистон давлат консерваториясининг пойтахтимиз кўркіга-кўрк баҳи эътифган маҳобати биноси мустақиллик йилларида бунёд этилган нафис санъат масканидир. Бу ерда таълим олаётганларга ўзбек мумтоз ва замонавий мусиқа илми билан бир қаторда жаҳоннинг энг нодир куйнаволадини ўзлаштириш борасида ҳам сабоқ берилади.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРНИНГ КАМОЛОТ МАКТАБИ

Иқтидорли ёшларга республикамизнинг кўзга қўйилган бастакорлари, мумтоз мусиқамиз билимдонлари дарс ўтади. Шунингдек, мукамил жиҳозланган, замонавий русумдаги мусиқий асбоб-уску-

налар билан таъминланган аудиториялар талабаларнинг ўз танлаган йўналишлари бўйича яхши мутахассис бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. — Президентимиз ташаб-

буслари билан қад ростилаётган бу муҳташам қоҳна ҳар биримиз учун қадридир, — дейди таниқли бастакор, консерватория ўқитувчиси Дилором Омонуллоева. — Негаки, бу даргоҳ, аввало, санъатсевар ёшларимизнинг иқтидорларини рўёбга чиқаришдек хайрли мақсадда барпо этилган. Айни чоғда Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий ва бошқа улуг бастакорларимизнинг мусиқий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, оламга ёйишдек шарафли вазифалар ҳам мазкур даргоҳ жамоаси зиммасидадир. Консерваторияни кўзининг оқу қорасидек билувчи ёшлар, профессор-ўқитувчилар, санъаткорлар ана шу эзгу ният йўлида хизмат қилаётирлар.

Максуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири. СУРАТДА: консерватория фаолиятдан лавҳалар.



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида

1. Куйидагилар мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум этиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек, зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари деб ҳисобланган:

а) тармоққа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини кенг жорий этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган кишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуни талабларига қатъий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашуви сақлаган ҳолда фермер ҳўжаликлари этиб қайта ташкил қилиши;

б) кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, этиштирилган маҳсулот ва даромадларини тасарруф этишда фермерларнинг ҳўқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек, шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг ҳўқуқий жавобгарлигини ошириш;

в) фермер ҳўжаликлари томонидан кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан фойдаланидан, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги агро-саҳнаоти фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд

қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш;

г) тугатилмаётган ширкатлар ҳудудида зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси — муқобил машина-трактор паркларини, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини, ёнилли-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш пунктларини, мини банклар, турли тара идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш пунктларини барпо этиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларининг экин майдонларида ташкил этиладиган фермер ҳўжаликлари маҳсулоти комиссиялар томонидан очик ва ошқора танловлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг натижаларига кўра, бошқа тенг шартлар бўлгани ҳолда, мазкур участкада оилавий пудрат асосида ишлаган ширкат азёзолига қўлиб қўйилиши;

б) бог ва узумзорлар фермерларга «Кимосди» савдолари орқали сотилади, савдоларда мазкур соҳада муайян иш стажини ва малакаларига эга бўлган даввогарларнинг иштирок этишларига йўл қўйилади;

в) бог ва узумзорлар жойлашган ер майдонлари «Кимосди» савдоси қўлиб қўйилиши ҳақида қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ва субарендага топшириш ҳўқуқини бермаган ҳолда узок муддатли ижарага топширилади;

(Давоми 2-бетда.)

Миллий қадриятларимизни асрайлик

ПАЛАГИ ТОЗА ХАЛҚМИЗ

Тарихга теранроқ назар ташласак, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, бирон-бир жамиятнинг олға интилганини кўрмаймиз. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданқ ушбу масала давлат миқёсига кўтарилди. Халқнинг маданий қадриятлари ва маънавий мероси асрлар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи — қуроли бўлиб хизмат қилганлиги эътироф этилган, ўтмиш қадриятлари, аъёналар ва турмуш тарзига суянилган ҳолда жамиятни янгилашга киришилди. Маънавий тикланиш жараёни бошланиб кетди.

Бугун ахлоқий ва жисмоний такомил миллат қиёфасини белгилувчи мезон экан, юртимизда баркамол инсонни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу нарса бутун таълим ва маданият тизимини ислоҳида ҳам ўз аксини топган. Бизнинг юртимизда тугилиб ўсган алломалар билан бутун жаҳон фахрланади. Мусиқа илмининг жонкуярларидан бири Юнус Ражабийнинг 12 жилдлик асарини қайта нашр қилиш ҳусусидаги ЮНЕСКО қарори барчамизни қувонтирди. Келгуси йилда у кишининг 110 йиллиги нишонланади.

Дунё бизни тан олиб, ҳавас қилиб турган бир пайтда четдан кириб келаётган иллатлардан ёшларимизни омон сақлаб қола билишдек маънавий жасоратга қодир бўлмоғимиз зарур ва шарт. Зеро, бугун кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан бири, Юртобишимиз таъкидлаганидек, "буюк давлат, буюк келажагимизга эришишни учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуг қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак". У ҳар биримизнинг кундалик фаолиятимизга айланмас экан, мақсадларимиз қозғода қолиб кетаверишини унутмайлик.

Нажмиддин КОМИЛОВ, профессор.

Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида (1992 йил) кўрсатиб ўтилганидек, мамлакатни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Булар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ҳамда ватанпарварликдир.

Ўтган йиллар мобайнида тарих хотираси, буюк аждодларимизнинг ишлари, жасоратлари ва миллий аъёналарнинг маънавий юксалишига хизмат қилиши учун интилдик. Зеро, буларнинг барчаси янги-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб бормоқда.

Бироқ, бугунга келиб, бизнинг турли тоифадаги муҳолифларимиз ҳам пайдо бўлмоқда. Улар интернет, турли фильмлар, адабиётлар, суратлар орқали бизнинг турмуш тарзимизга ёт бўлган гоёларни тарғиб этмоқдалар. Тўғри, бугун дунёдан айри ҳолда яшаб бўлмайди, бунинг имкони ҳам

йўқ. Лекин бу — демократия никоби остида юртимизга кириб келаётган ҳамма нарсани қабул қилиш, дегани эмас-да. Эгоцентризм ва селдай ёғилиб келаётган ахборот хуржидан келажагимиз эгалари бўлган ёшларни асраш, айниқса, доллар зарб. Акс ҳолда Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун" асаригадаги хаттоки ўз тукан онасини ҳам танимайдиган манкурт — Жўломонлар тугилишига йўл қўйиб берган бўла-миз. Бундан ўзи асрасин.

Очигини айтиш керак, хорижий маданий қадриятлари никобидаги ахлоқсизлик бугун кўз ошқора, гоҳ яширин тарзда ҳаётимизга хурж қилиб турибди. Ҳаммамизга маълум, кишлоқларда билмадим-у, ҳар ҳолда камроқ бўлса керак, лекин шаҳарларда деярли 80-90 фоиз аҳоли телевизорига қабил уланган. Тўғри, яхши кўрсатувлари ҳам бор. Лекин зўравонлик, бемаънилик, ҳаёсизлик, фаҳш ва "инсон эркинлиги"ни намойиш қилувчи кўрсатувлар кечая кундуз кўрсатилади. Жумладан, кўп эрлик-бир аёлнинг бир вақтда бир неча эркек билан яша-

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов ҳамда Эрон Ислом Республикаси савдо вазири С.Мирқозийнинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўрлаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Бу ҳамкорликнинг ҳўқуқий асослари икки давлат раҳбарлари имзолаган ҳўжатларда белгилаб берилган.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасида доимий мулоқот ва маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2000 йилдан бунён ўрта олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралараро мулоқотлар ҳам изчиллик касб этаётир.

Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. 2004 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 372 миллион АҚШ долларини ташкил қилган эди. 2005 йилнинг ўн бир ойида бу кўрсаткич 409,5 миллион доллардан ошди. Юртимизда эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 65 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Юртимиздан Эронга пахта, қора ва рангли металлур, минерал ўғитлар, пластмасса ва пластмасса буюмлар, кимёвий толалар экспорт қилинмоқда. Эрондан эса мамлакатимизга қурилиш материаллари, чай, кир ювиш воситалари олиб келинапти.

Аммо, учрашувда қайд этилганидек, бу қўшма комиссия мамлакатнинг ҳам иқтисодий салоҳияти даражасида эмас. Иқтисодий ҳамкорлик кўламининг кенгайтириш учун ҳали ишга солинган имкониятлар кўп. Шу боис қўшма комиссия мажлисида савдо алоқалари ҳажминини янада кенгайтириш учун бундан-да қўлай шароит яратишга, ўзаро фойдали соҳалардаги амалий ҳамкорлиқни раванқ топширишга, янги қўшма корхоналар ташкил этиш ва биргаликда турли сармовиявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Нефть-газ, кимё санъати, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, илмий-техникавий ҳамкорлиқни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

Бевосита мулоқот СИЗНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш тадбирлари, Хомийлар ва шифокорлар йилида тиббиёт ходимлари касб маҳоратини муттасил ошириш учун қандай омилларни ишга солиш мумкинлиги тўғрисида, соҳага оид Сизни қизиқтирган бошқа саволларингизга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти томонидан ташкил этилган бевосита мулоқотда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз НАЗИРОВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 12 январь кунини соат 10.00 дан 12.00 гача 144-10-08, 144-15-81 телефонлари орқали ўтказилади.

Вазирга аталган саволларингизни олдиндан тахририятнинг 132-12-08 телефониға ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилиға юборишингиз мумкин.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислам Абдуганиевич, Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга энг самимий қутлов ва истакларини ила узок умр, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар мамлакатингиз халқига раванқ ва фаровонлик тилаймиз.

Қодир Аллоҳдан тилайман барча эзгу сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши, мусулмон халқларига тинчлик, тотувлик ва баркиркенглик ато этишини сўраб қоламан. Қўқур эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ, Туркменистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислам Абдуганиевич, Улуг байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини чин қалбимдан муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва муваффақият, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилаймиз. Камоли эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, Президент Жаноби Олийлари, Сизни Йил ал-Аҳдо байрамини муносабати билан Индонезия ҳўкумати ва халқи номидан муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлади.

Аллоҳ таоло мусулмон умматининг дўстона муносабатлари ва дунёдаги барча мусулмонларнинг бирдамлигини мустаҳкамласин. Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чексиз ҳурмат, сийҳат-саломатлик ҳамда бахт-саодат тилақларини изҳор этишга рўхсат бергайсиз.

Суслио Бамбанг ЮДХОЁНО, Индонезия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон:

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ЯКУН

2005 йил мамлакатимизнинг халқаро алоқаларида катта аҳамият касб этган воқеаларга бой бўлди. Кўпчилик сиёсатчилар, таҳлилчилар, кенг жамоатчилик фикри асосида айтиш мумкинки, бу борада йилнинг энг муҳим воқеаси Ўзбекистон-Россия муносабатларининг янги поғонага кўтарилишидир. Дарҳақиқат, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, икки давлат раҳбарларининг самарали музокаралари ташкилотида аниқ шундай юксак натижаларга эришиш учун замин yaratди, десак асло адашмаймиз. Бугунга келиб, дунё иқтисодиёти ва халқаро сиёсатда етакчи

мамлакатга айланаётган бу қудратли давлат билан ҳамкорлик алоқаларимиз деярли барча соҳаларга кириб бормоқда. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий алоқалар, жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик каби муҳим йўналишлар ўзаро алоқаларимизнинг асосини ташкил этади. Юртбошимиз 28-29 июль кунлари амалий ташриф билан, 14-15 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ва яна 3 марта турли даражадаги саммитлар юзасидан Россияда бўлди. Россиядан Ўзбекистонга ташриф бу юқори мартабали меҳмонлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

(Малайзия айти пайтда АСЕАН ҳамда Ислон конференцияси ташкилотига расмий қилди) расмий, амали ва давлат ташрифлари билан бўлиши шулар жумласидандир. Бу учрашуларда жава мўҳим ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди.

Дастлабки қадам бўлишига қарамай, 26 давлатдан 200 дан зиёд йirik компаниялар иштирок этган, миллий бойлигимизнинг етакчи ишлаб чиқарувчилар томонидан яна бир бор эътироф этилишига сабаб бўлган 10-11 декабрдаги Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, август ойида «Ўзэкспомарказ»да муваффақият билан ўтган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» номли бизнес-ярмарка, Россиядаги МАКС-2005 халқаро аэрокосмик салонда юртимиз самолёт-созларининг юқори баҳоларга сазовор бўлишини ҳам халқаро иқтисодий алоқаларда мўҳим ютуқлар, дея эътироф этиш мумкин.

Қолаверса, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-йиллик сессиясидаги эътирофлар (ноябрь), дунё микёбисиди санъат байрамга айланаётган, 50 мамлакатдан санъаткорлар қатнашган «Шарқ тароналари-2005»нинг зур муваффақият билан ўтиши (август), Ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари рўйхатига киритиш жараёни бошлангани ҳақида Швейцариянинг Лозанна шаҳридан келган хушхабар (июль), Тошкентда жаҳоннинг танлики мусавирлари, ранг-тасвир усталари иштирокида ўтказилган, энг замонавий санъат йўналишларини қамраб олган III Тошкент биеналесининг ўтказилиши (октябрь) каби воқеалар юртимиз довуғини янада оширди.

Албатта, юқорида тилга олинган воқеаларнинг қай бири муҳимлик жиҳатидан юқорироқ ёки куйроқда туриши кераклигини ҳар ким ўзинча баҳолайди. Бирок бу воқеаларга назар ташлаган кишида битта хулоса пайдо бўлиши, шубҳасиз: гарчи бунга ишонши кийин бўлса-да, бу муваффақиятларнинг барчасига бир йил ичида эришилди. Келинг, саволини шундай қўйлик: Ўзбекистон тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳон сахнасида ўз сўзини айта олаётими?

Ҳа. Бугун Ўзбекистонга ишонилган. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишди. Ва Ўзбекистон билан ҳисоблашишди. 2005 йил давомида Ватанимизнинг ташки алоқалари, халқаро муносабатларида юз берган воқеалар, эришилган муваффақиятлар бу борада ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди, албатта.

Ботиржон ГОҒУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Албатта, бу учрашулар ҳамда олиб кўрилган музокаралар кўнглидагидек натижалар берганини таъкидлаш керак. Бирок улар орасида 2005 йил ноябрда амалга оширилган сўнгги ташриф низоҳати аҳамиятлидир. Айнан ана шу расмий ташриф чоғида Ўзбекистон ва Россия муносабатлари иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Умуман, якунланган йилда Ўзбекистон-Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро, ҳуқуқматлар, вазирликлар даражасидаги ўнлаб мўҳим ҳужжатлар, битим ва шартномалар имзоланди. 11 октябрда Россиянинг саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин, 21 октябрда ташки ишлар вазири Сергей Лавров ҳамда бир неча бор турли делегацияларнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиши ва имзоланган битимлар ўзаро иқтисодий, савдо ва молиявий ҳамкорликнинг нақадар тез кучайиб бораётганидан далолат беради. Бу жиҳат икки томон иштирокида ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, йirik инвестицион лойиҳаларнинг кўпайиб бораётганига ҳам аққол намён бўлади.

Сентябрь ойида Ўзбекистон ва Россия ҳарбийлари ҳамкорлигида ўтказилган қўшма аксилтерор тактик машқлар эса ташкилотида муҳим масала — минтақавий ва ички хавфсизликни, барқарорлиқни таъминлаш масаласи нуктаи назаридан катта воқеа бўлди.

Ўтган йили бошида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича нуфузли йилгилик, Хитой Халқ Республикаси, Германия, Жанубий Корея давлатлари билан олиб бораётган ишчи ҳаракатлари натижасида ШХТнинг нуфузи яна бир поғонага юксалди. 6-7 октябрда ўтказилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида ҳам Президент

Ислон Каримов ташаббуси билан 279 миллион аҳоли яшайдиган Хамдўстлик давлатлари тарихида чўқур из қолдирган тузилмавий ўзгаришлар рўй берди — МОХ ва ЕИОХ негизида ягона Евросиё иқтисодий ҳамжамияти тузилди. Бундай юксак даражадаги мулоқотлар МДХ давлат раҳбарларининг саммитларида (май, август), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти раҳбарлари Марк Перрен (Бош котиб), Элиси Хэстингс (пар-

тид) Республика иқтисодиётининг асосий кўрсаткичларида сурункасига бир неча йилдан буён ўсиш сурьатлари охиб бораётганлиги таъкидланаётган экан, ва бунда, шубҳасиз, оқилона олиб борилаётган ташки иқтисодий фаолият, аввалбошданок стратегик мақсадларнинг қўйилиши энг катта роль ўйнаяпти.

Хўш, бултур бизнинг асосий иқтисодий ҳамкорларимиз кимлар бўлди? Таъкидлаш керакки, ҳамкорлари-

мининг барчаси иқтисодий ривожланишининг юқори даражасига кўтарилган давлатлардир. Ва бу давлатларнинг ҳаммаси Ўзбекистон билан шериклик қилишдан манфаатдор эканлиқларини айтамоқдалар. Биргина 2005 йил давомида бўлиб ўтган юқори даражадаги учрашуларнинг кўздан кечирилди.

5 мартада Покистон Президенти Парвез Мушарраф, 10-11 майда Жанубий Корея Президенти Но Му Хён бошчилигидаги делегациялар (ўзаро савдо ҳажми 600 млн. долл.), 14 июлда Япония ҳукумати вакили Киаус Мангольд (ўзаро савдо ҳажми 350 млн долл., сармом 1,4 млрд долл.) каби юқори даражадаги меҳмонларнинг ташрифи; Юртбошимизнинг 15-17 март кунлари Словенияда (бу мамлакат 2005 йил давомида ЕХХТга раҳбарлик қилди), 4-6 апрелда Хиндистонда, 25-27 майда Хитойда (сармомвий битимлар миқдори 1,5 млрд долл.), 2-4 октябрда Малайзияда

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

интилганлар ҳам, халқига қарши қурол кўтарганларни иззат-икром билан қутиб олган ва бу билан ўзининг халқаро ҳужжатлар олдиданги мажбуриятларидан қўшма юмганлар ҳам ва ҳеч нарсига қарамай, ўша воқеаларнинг эртасигаёқ ҳақиқатни айтган ва мамлакатимиз раҳбариятининг халқаро терроризмга қарши саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган дўстларни ҳам қўрдиқ.

Ташки сиёсий муносабатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, халқаро ташкилотлар доирасидаги учрашулар, давлат раҳбарларининг саммитларини эслаб ўтиш уринилидир. Июль ойида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Остона саммитида хавфсизлик, иқтисодий, экология, транспорт, энергетика, маданият, фан-техника соҳаларига дахлдор бир қанча масалалар муҳокама қилиниб, унда Президентимиз нутқ сўзлади. Барча аъзоларнинг биргаликда олиб бораётган ишчи ҳаракатлари натижасида ШХТнинг нуфузи яна бир поғонага юксалди. 6-7 октябрда ўтказилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида ҳам Президент

ламент ассамблеяси раиси) ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг янги президенти Харукико Курода жанобларининг мамлакатимизга сафари пайтида ҳам бўлиб ўтди.

Энди ташки савдо ва иқтисодий муносабатлар ҳақида тўхталиб ўтайлик. 2005 йил мамлакатимиз тарихида иқтисодий ислохотларнинг янги бошқичи бошланганлиги ҳамда кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш учун туб ўзгаришлар амалга оширилганлиги билан ёдда қолди. 21 июль кунли Президентимиз томонидан махсус Фармон имзоланиб, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташкил этилиши эса бу йўлдаги ишларнинг мантиқий қадам бўлди. Маълумотларга қараганда, ҳозирга келиб иқтисодиётга киритилган жами хорихий инвестиция ҳажми 14 миллиард АКШ долларидан ортиб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган махсуслотлар эса дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Импорт ҳажмининг тўртдан ўч қисмини аввалгидай тайёр махсуслотлар эмас, балки ишлаб чиқаришда қўлланадиган технологиялар, турли асбоб-ускуналар таш-



Туғилиш камайган

Мутахассисларнинг билдиришича, сўнгги 20 йил давомида Хиндистонда 10 миллиондан ортиқ қизлар аборт қилдириши оқибатида фарзанд кўриш бахтидан айрилди. Натижада мамлакатда туғилиш кўрсаткичи бир ярим миллион нафарга камайиб кетган.

Вертолёт ҳалокати

Бундан ташқари, Хиндистонда аёллар сони эркакларга нисбатан кўпроқни ташкил этади.

Ироқнинг шимоли-гарбида Америка ҳарбий ҳаво қўралига тегишли вертолёт қўлаб тушди. Унинг бортидаги 12 нафар одамнинг барчаси ҳалок бўлди. Мазкур ҳалокатни тасдиқловчи расмий баёнот Тал Афур шаҳрида шанба кун ички чекқурон эълон қилинди.

Халокат сабаблари ўрганиляпти.

Аҳоли хавотирда

Туркияда парранда грипидан икки бола нобуд бўлгандан сўнг жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари мамлакатнинг шарқий қисмида тарқалаётган вирус ҳаракатини назорат қилиш, профилактика ишларини кенг қўлама олиб боришда Туркияга ёрдам беришини маълум қилди.

Ҳар эҳтимолга қарши

Канада ва Австралия хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Иордания пойтахтидаги ўз элчихоналарини ёпти. Буюк Британия Ташки ишлар вазирлигининг баёноти бу икки давлат ҳукуматларининг шундай қарорга келишига туртки бўлди. Баёнотда айтилишича, Уммондаги бир қатор Фарб давлатлари ваколатхоналарига террорчилик хуружи

режалаштирялди.

Ўз навбатида, Иордания ҳукумати вакили хавфсизлик масаласи элчихоналарнинг ёпилишига асосий сабаб эканлигига ишонмаслигини билдирди ва айти пайтда мамлакат пойтахтидаги дипломатик ваколатхоналарни қўриқлаш кучайтирилганлигини таъкидлади.

Ядро дастури тикланмоқда

Эрон ҳукумати Европа Иттифоқининг қаршилигига қарамадан, ўзининг ядро дастурини қайта тиклаганини маълум қилди. Мамлакат ташки ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Асефининг сўзларига қараганда, Эрон халқаро экспертлар қузатувида бу соҳада тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқи эга.

ЕИ вакиллари Эроннинг бундай хатти-ҳаракати ҳозирга қадар ўтказилаётган музокараларни хавф остига қўйиши мумкинлигини айтмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ. ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯҒОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН АВТОБИЛЛАР ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИП ТЕХНИКАСИ УЧУН КУЙИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ШИНАЛАРНИ СОТАДИ: ENIGIL МАШИНАЛАР УЧУН, ENIGIL ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИП ТЕХНИКАСИ УЧУН

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққати! БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Куйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Table with 4 columns: №, Иншоот номи, Қурилиш тугатиш муддати, Буюртмачининг бошланғич нархи (млн.сўм). Includes lots 1-12 for two different projects.

Буюртмачи — Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси. Манзил: Бухоро ш., Афросиёб к., 8-уй, тел.: 224-32-62, 224-33-55, 224-30-24.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармомия миқдори, танлов савдолари предмети камиди 20 фоиз миқдорда айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек, етарли ишчи кучи захиралирига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Офферталар бир тўғналикни (ком.екст) қўйишти — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро ш., И. Мўминов к., 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00да.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққати!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Таълим ва савдо савдолари эълон қилади:

- 1. Мирзаобод тумани, «Оқолтин» ш/ҳда агросаноат, ирригация, мелiorация йўналишидаги 360 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши.
2. Гулистон шаҳрида табиёт йўналишидаги 540/50 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши.
3. Гулистон шаҳрида педагогика йўналишидаги 360/50 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши.
4. Ховос тумани, Қаҳрамон қўргонида маиший хизмат йўналишидаги 360 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши.
5. Гулистон тумани, «Янги ҳаёт» дехқон фермерлар ҳудудий уюмасида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктининг янги қурилиши.
6. Ховос тумани, Қаҳрамон қўргонида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш.
7. Ховос тумани, Карвонсарой қўргонида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш.
8. Мирзаобод тумани, Ойдин қўргонида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш.
9. Боёвут тумани, Олмали қўргонида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш.
10. Мирзаобод туманидаги 20-сонли мактабни қайта таъмирлаш.
11. Ховос туманидаги 5-сонли мактабни қайта таъмирлаш.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Сирдарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи манзили — Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: (8-3672) 27-61-93. Қурилиш ишлари давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдорда айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишланган тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: (8-3672) 27-64-42.

Манлов ҳужжатларининг бир тўғналик қўйишти — 60000 (охиштин икки) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг сўнгги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камиди 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

«ЎЗИМИЗНИНГ АРМИЯ!..»

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида (2002 йил) давлатимиз раҳбари армия ҳақида гапириб, бу соҳада бутунлай янгича иш олиб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Юртбошимизнинг Куролли Кучлар олдига қўйган талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Бу эса ҳарбий хизматни жамиятни демократик тарзда янгилаш жараёнига мувофиқлаштириш имконини берди. Натижада мuddатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларимизнинг ваколатлари янада ошди. Таъкидлаш жоизки, бу ислохотлар замирида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек улкан ва залворли, айнаи чоғда эзгу истак мавжуд. Бу истак ва талаблар аскарларимиз қалбида она-Ватанга нисбатан муҳаббатни янада кучайтириши, табиий. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "бугуннинг аскари армияга шунчаки келиб кетмасин, балки бу жой унинг ота-онаси, қариндош-уруғи осойишталигини таъминлаш маскани эканлигини юракдан англасин!" Бинобарин, соҳадаги барча савий-ҳаракатлар мана шу улғу мақсадга йўналтирилмоқда.

Биласиз, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий

хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, баҳор ва куз ойларида чақирик ўтказилади. Айнаи шу чақириқнинг ишчил ва алоҳида эътибор билан ўтказилиши армиямиз сафларига соғлом ва бақувват йигитларни танлаб олишга ёрдам беради. Эътироф этиш керак, кейинги пайтларда мутасаддилар ҳар бир йигитнинг оилавий аҳоли, саломатлигидан келиб чиқиб, адолатли хулосани айтишмоқда. Чақириққа мана шундай ёндашув эса профессионал армияга бўлган интилишнинг асосий омилларидан саналади.

Яна бир муҳим жиҳат. Йигитларни армияга жўнатишда ёки фарзандининг ҳарбий хизматдан қайтаётганида ота-оналарни тақлиф қилиш аъёнага айланиб қолди. Бу қим-лар учун оддий ҳолатдек қурилар, аммо буларнинг ҳаммаси, аввало, Куролли Кучларимиздаги ислохотлар самараси.

— Бугун аскарликка жўнаётганларга ҳаваси

келади, — дея ўз фикрини билдирганди охирги чақирик мавсумида ўғлини ҳарбий хизматга жўна-таётган Урта чирчиқлик Комижон ака Йулдошев. — Нега десангиз, бизнинг давримизда ота-оналарни фарзандлари яқинига йўлатишмас эди. «Қачон хизматга олиб кетишаркан?», деб ҳарбий комиссариатда ҳафталаб ётардик. Мана, ҳозир иккинчи ўғлимиз хизматга кетапти. Сурхондарёга жўнатишяпти. Билишимча, ҳозир ўғлим қатори йигитларни Термизга олиб кетаётган самолёт у ёқда хизматни ўтаб бўлганларни олиб қайтар-кан. Уларнинг ҳам ота-онаси шу ерда кутишяпти.


Фарзандларимиз эса истиқлол шарофати билан ўз туپроғимизда йигитлик бурчини ўташяптилар. Улар бизга ўшаб мавҳум нарсани эмас, тўғри ўсган юртларини ҳимоя қилдилар. Армия-мизни мустаҳкамлаш борасидаги бугунги сўбат йигитларимизга фақат жисмоний машқларни мукамал ўргатишгина эмас, балки маънавий жиҳатдан етук бўлиш ва-зифасини қўяётганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Куролли Кучлар тизи-мида татбиқ этилаётган янгиликлар ҳақида гапир-ганда, ҳарбий хизматга боровчи йигитларга му-ҳим имтиёзлар берилаёт-ганлигини унутмаслик даркор. Яъни, қайсики

йигит Ватан олдидаги ўз бурчини ўтаётган қисмда интизоми, хулқи билан ибрат бўла олса, унга махсус тавсиянома бери-лиши ҳам ҳукуватимиз ҳужжатларида акс этган. Бундай тавсияномани қўлга киритганларга олий ўқув юртларига ки-ришда оладиган баллга энг юқори баллнинг йи-гирма беш фоизи қўши-лади. Энди бу имтиёз қаторига шартнома бўйича ўқишга кирганларга ҳам бир қанча имконият-лар яратилди. Яъни, уларнинг шартнома пул-ларини тўлаш бўйича ҳам аниқ вазифа ва тадбир-лар ишлаб чиқилди. «Агар аскар имтиҳондан йиқилса-чи, унда бу им-тиёз қўймайдими?» де-ган саволлар туғилса, эс-латиб ўтамиз, 25 фоиз-лик балл имтиёзининг амал қилиши мuddати уч йил этиб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизнинг халқро ҳамжамиятдаги обрўси унинг ҳарбий куд-рати — Куролли Кучлари-миз имконияти даража-сига ҳам боғлиқ. Демак, нафақат бошқа соҳалар-да, шу билан бирга, ҳар-бий жабҳада ҳам кўзда тутилган мақсадга му-даволаримиз тўла-тўқис амалга ошмоғи учун Истиқлол кўши мангу порлайверсин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.



— Ўғлимга мудофаа ишлари бўлимидан чақи-рув қозғас келибди, — деб қолди дўстларимдан бири. — Қаранглар, менинг фарзандим ҳам Ватанимга, элнинг қорига ярайдиган бўлибди. Ҳазир унга ҳарбий либос қанчалик ярашганини ўйлапман...

ЙИГИТЛАР ҚАЛБИДА ҒУРУР

Таърифлашга сўз то-полмайсиз. Бу қувончнинг боиси Ватан меҳрими ёки фарзанд шукронаси? Дўстим барчани бир пиёла чойга тақлиф этишни унутмади ва ўғлининг хислатлари ҳақида тўлиб-тошиб га-пириб ҳам улгурмай, дав-рага яна бир хушхабар келди:

— Қиличнинг ўғли ҳар-бий хизматдан келибди, ҳамма аскар тўйига...

— Халқимизнинг ажой-иб одати бор, — дейди Самарқанд вилояти му-дофаа ишлари бошқар-масининг бошлиғи, пол-ковник Эркин Абдурахмо-нов. — Ҳар бир яхши ку-нини дўстлар, қариндош-лар билан нишонлашни хуш кўради. Фарзанди ҳарбий хизматга отлан-са ҳам, хизматдан қайт-са ҳам — тўй. Бундай кун-ларимиз бор бўлсин! Ота-оналар билан улар-нинг илтимосларга тўла суҳбатларига кўниқиб қолганман. Ҳали баҳорги чақирувгача анча вақт бор. Аммо улар хозирда-ноқ фарзандини ҳарбий хизматга жўнатиш мақса-дида мурожаат қилиша-ди. Эринмасдан қабул-лимга келган ҳар бир ки-ши билан суҳбатлаша-ман. Ва ўз фарзандини хизматга йўллаш учун жон куйдираётган инсон-ларнинг шунчалик кўпли-гидан қувонаман.

Бошқарма бошлиғи билан баҳорги чақирув-га тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида суҳ-

батлашаман. — Тайёргарликни ал-лақачон бошлаб юбор-ганмиз, — дейди у. — Барча шахар ва туман мудофаа ишлари бўлим-ларида чақирилувчилар тўлиқ ҳисобга олинди. Махсус қисмларга тавсия этилувчилар рўйхатлари хозирданок тайёр. Энди эса улар соғлиғи, били-ми жиҳатидан тест си-новларидан ўтказилади. Сабаби — бундай қисм-ларга фақат энг соғлом-ларгина эмас, ақлий ва билим жиҳатдан ҳам тенгдошларидан устун йигитлар танланади.

Дарвоқе, бугун биз-нинг кудратли армиямиз таркибининг энг жасур, э-пич, қаққон ва доно йи-гитлар ташкил этаяпти. Унда хизмат қилишга барча йигитларимиз ин-тиляпти. Армияга куза-тиш ва хизматдан сўнг йигитларимизни кутиб олиш катта тантангага ай-ланиб бораётгани ота-оналарни ниҳоятда қувон-тирмоқда.

Хуллас, хизматга отла-наётган ҳар бир йигит-нинг қалбида Ватанга садоқат, эл-юртига меҳр-муҳаббат муҳассам. Ҳар-бийликка лойиқ деб то-пилганидан ғурурланади у. Ана шундай меҳр, са-доқат, ғурур оталардан болаларга, акалардан укаларга мерос бўлиб ўтапти ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қола-ди!

Абдураул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Спорт

Русланнинг наббатдаги ғалабаси

Профессионал боксининг ўта оғир вазнида қатнашаётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев ўзининг наббатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Германиянинг Мюнхен шаҳ-рида жойлашган "Die Kulturhalle" спорт мажмуасида ушбу турнинг ушбу жангда Руслан америкалик тажрибали "чарм қўлқоп" устаси Роба Кэллоуз билан учрашди. Мута-хассислару бокс ишқибозлари томонидан "Оқ Тай-сон" деб эътироф этиладиган ҳамюртимиз жангни узоқ давом эттириб ўтирмади. Унинг иккинчи раундда чап қўл билан берган кетма-кет зарбасидан сўнг Роба Кэллоуз нокаутга учради. Эслатиб ўтамиз, бу иккала боксчи ўртасидаги иккинчи учрашув ҳисобланади. Биринчи жанг 2002 йилнинг 5 октябрида Американинг Детройт шаҳрида бўлиб ўтган. Ушанда Роба учин-чи раундда юзидан жараҳат олганлиги сабабли жанг тўхтатилиб, боксчиларга техник дуранг ёзилганди.



Биринчи рақиб — Бангладеш

Ўзбекистон терма жамоаси 2007 йили бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш баҳслари-нинг дастлабки ойнаси 22 февраль куни ўз майдонида Бангладеш футболчиларига қарши ўтказди, деб хабар беради УФФ ахборот-таҳлил бўлими.

Иккинчи тур ўйинлари 1 март куни бошланади. Шу куни футболчиларимиз Каттар терма жамоаси меҳ-мони бўлади.


Хуса Такада — Ўзбекистонда

Зарафшоннинг "Қизилқум" жа-моаси дарвозасини янги мавсум-да япониялик футболчи ҳимоя қилиши мумкин. 24 ёшли Хуса Такада Англиянинг "Chester City" клуби тарбияланувчиси ҳисобла-нади. У сўнгги йилларда Норвегия биринчи дивизи-они вакили "Lelehammer" жамоасида фаолит кўрс-атаётган эди. Агар, томонлар шартномани имзолашса, Х. Такада Ўзбекистон чемпионатида тўп сурган илк футболчи бўлиб тарихдан жой олади. Хозирда мураббий Игорь Шквирин шоғирдлари янги мавсум ўқув-йиғин машғулотларини бошлаб юбо-ришди.

«Машъал» таркиби кучайди

Муборакнинг "Машъал" жамоаси илк маротаба Ўзбекистон чемпионатининг қумуш медали соҳиби бўлганидан хабарингиз бор. Мураббийлар, ҳомий-лар янги мавсумда ўз олдларига янада юксакроқ натижани қўлга киритишни мақсад қилиб қўйишган. Яқинда "Насаф"нинг етакчи ўйинчилари Зафар Хол-муродов ва Камолитдин Кенжаев "Машъал" билан икки йиллик шартнома имзолаганди. Эндиликда улар сафига Ботир Қораяв ("Насаф"), Ҳамза Каримов ("Бухоро"), Юрий Цой, Виктор Клишин ("Локомотив")-лар ҳам қўшилди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.



Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
"G1-ЎЗБЕКБИРЛАШУВ" ҚҚ КРЕДИТОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Йиғилиш 2006 йил 16 январь соат 10.00да банк биносида ўтказилади. Манзил: Амир Темур кўчаси, 101.
Барча саволлар билан 135-38-52, 135-17-02, 137-59-15 рақамли телефонлар орқали кичик бизнес бош бошқармаси ходими Нелли Вахтга мурожаат қилиш мумкин.

(Газетанинг навбатдаги сони 12 январь, пайшанба куни чиқади.)

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача
ЭЪЛОНЛАР 136-09-25
242-хона 132-10-63
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

юк машиналари учун
АММАЗ АРСЕНАЛ
ШИНА
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com таклиф этади
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (Илғал — Бобур боғи)

«O'zAloqaKonsalting» масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият директори Тоҳир Бикметовга падари буз-руквори
МУҲАММАДШО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «O'zAloqaKonsalting» масъулияти чекланган жамияти дирек-тори Тоҳир Бикметовга падари бузруквори
МУҲАММАДШО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурлидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси бош бухгалтер Валида Турсуновага воли-дай муҳтарамаси
Фарида ая МУҲАМАДАЛИЕВанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қашқадарь вилояти «Матлуботсавдо» ҳудудий АК Касби тумани «Матлуботсавдо» МЧЖ раиси, соҳа фахрийси Аҳмад ХОЛМУРОДОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-ларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент молия институти жамоаси «Банк иши» кафедре-си катта ўқитувчиси Нормат Эрназарова падари бузруквори Сапарбой ота ЭРНАЗАРОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MTC GSM, UZDUNROBITA first cellular
Азиз ватандошлар!
"Уздунробита" компанияси жамоаси сизларни Қурбон ҳайити айёми билан нуборакбод этиб, саломатлик, тинчлик ва фаровонлик тилайди!
www.uzdunrobita.uz/wap.uzdunrobita.uz хизматлар лицензияланган

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаххих — М. Ёқубова.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА куни — 24.00 Топширилди — 00.10 2 3 4 5 6